

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

## **454 «Томоша» болалар мусиқий театр-студияси фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 январдаги ПҚ–1271-сон қарори билан тасдиқланган «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг ижросини таъминлаш, мамлакатимизда иқтидорли ёш актёрлар фаолияти учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳамда «Сен ёлғиз эмассан» жамғармасининг Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимида «Томоша» болалар мусиқий театр-студияси (кейинги ўринларда театр-студияси деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қуйидагилар театр-студиясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

болаларнинг санъатга бўлган қизиқишларини рағбатлантириш, ижодий фаоллигини шакллантириш, ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик, миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялаш;

театр ва кўшиқ санъатининг мафтункор жозибаси воситасида, болалар маънавий оламини бойитиш, уларни ҳар тарафлама етук инсонлар бўлиб камол топишларига кўмаклашиш;

жаҳон классик мусикаси, маданияти ва санъатининг ёрқин намуналари билан таништириш ҳамда миллий мумтоз санъатимиз, халқ ижодиётининг серқирра жилолаларини болаларга ўргатиб, уларнинг дунёқарашларини бойитиш;

турли болалар фестиваллари, кўрик-танловлар, таниқли санъаткорлар билан учрашув ва анжуманлар ўтказиш;

иктидорли ёшларни танлаб, уларни санъат оламига қадам қўйишлари учун кенг имкониятлар яратиш.

3. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Тошкент вилояти ҳокимлиги балансидаги «Турон» ахборот-кутубхона маркази жойлаштирилган Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй манзилидаги бинонинг бир қисмини театр-студияси балансига тасарруф этиш ҳуқуқисиз бепул ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

4. Тошкент вилояти ҳокимлиги ушбу қарорнинг 3-бандида кўрсатиб ўтилган «Турон» ахборот-кутубхона маркази жойлаштирилган бинонинг бир қисмини театр-студияси балансига тасарруф этиш ҳуқуқисиз бепул ўтказилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда театр-студиясининг ташкилий тузилмасини, штатлар жадвалини ҳамда уставини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

театр-студиясининг давлат рўйхатидан ўтказилишини, жойлаштирилишини ва малакали мутахассислар билан бутланишини таъминласин.

6. Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Қурувчилар кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган «Уй қурилиш» маданият саройи биносининг Тошкент вилояти «Турон» ахборот-кутубхона марказига тасарруф этиш ҳуқуқисиз берилганлиги инobatга олинсин.

7. Белгилаб қўйилсинки, театр-студияси фаолиятини молиялаштириш юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик маблағлари, грантлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 6 мартдаги 99-ф-сонли фармойиши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 3 декабрь,  
285-сон